



Камбағалликни қисқартиришда Хитой тажрибасидан фойдаланилади

10 декабрь куни вилоят ҳокимлигида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари Ху Чуньхуа бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказилди.



Вилоят ҳокими Э.Турдимов Хитой билан алоқалар узоқ тарихга бориб тақалиши ва кейинги йилларда ҳамкорлик қўламини янада кенгайтиришни таъкидлади. Қадимий Афросиёб шаҳри деворий суратларидаги қабул маросимида Чин ўлкаси элчилари тасвири туширилган, XIX асрда Самарқандда Хитой банки ташкил этилгани ҳамда бундан тўрт йил олдин қадимий ва навқирон кентда Конфуций боғи бунёд этилгани бунга ёрқин мисол бўлишини қайд этди.

Шунингдек, Э.Турдимов Хитой Халқ Республикасида иқтисодий ислохотлар, шу жумладан, камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар юксак самара берганини таъкидлади. Жаноб Ху Чуньхуанинг Хитойдаги фаолияти аҳоли ўртасида камбағалликни қисқартиришга бевосита боғлиқ эканлиг

ИЛМИЙ ИШЛАР ҲИМОЯСИ УЧУН ТАДҚИҚОТЧИЛАРГА ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛГАН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шу давргача илмий кенгашлари-мизда йигирмадан ортқ илмий ишлар ёқланди. 2020 йилгача тиббиёт соҳасидаги илмий ишлар фақат Тошкентда ёқланарди. Эндликда Сурхондарё, Қашқадарё ва Навоий вилоятларидан ҳам бизнинг илмий кенгашларимизга ишлар топшириляпти. 49 нафар докторантлар ва таъин докторантлар, 270 нафар мустақил иланувчилар ичида PhD илмий даражасига ва фан докторлигига талабгорлар бор. Ҳимояларимиз жорий йилда олтимиздан ошди. Ёш олимлар ва докторантларда илмий иш қилишга қизиқиш катта.

Бугунги тадқиқотчиларга қандай талаблар қўйилган?

Биринчи кенгашимизда тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, фан доктори илмий даражаси берилади. Иккинчи кенгашимизда фақат тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD илмий даражасини бериш ваколатига эга. Асосий диссертациянинг ҳимояга чиқиши учун фанга оид етакчи илмий журналларда илмий ишларини нашр қилиш керак. Масалан, PhD илмий даражасини олиш учун камиди еттига, фан докторлигига ўн бешта илмий мақоласи чиққан бўлиши лозим. 2023 йилдан докторантурага кириш учун инглиз ёки бошқа хорижий тилини билиш сертификати талаб қилиняпти. Филологик фанлар бўйича C1, нофилологик фанлар бўйича B2, IELTS ёки унга тенглаштирилган халқаро тил билиш сертификати бўлиши керак.

Ёш олимларнинг хорижий илмий журналларда қанча мақоласи чиққан бў

“Унда менинг меҳримдан бошқа ҳеч нарса йўқ”

НОГИРОНЛИГИ БОР БОЛАНИ КАТТА ҚИЛАЁТГАН ОНАНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

Ногиронлиги бор боласига қарай-
диган она қандай мураккабли-
кларга дуч келмоқда? У кундалик
ҳаётида қайси тўсиқлардан ўтиш-
га мажбур бўлаётир? Қуйида Са-
марқанд шаҳрида истиқомат қи-
лувчи Зилюла Тожиёва бу ҳақдаги
фикрлари билан ўртоқлашди.

– 28 ёшимда турмушга чиққанман, -
дейди Зилюла опа. - Уч нафар фарзандим
бор. Бир ўғил, икки қиз. Биринчи фарзан-
дим Фаршаджонга ДЦП (Болалар церебрал
параличи) касаллиги ташдиқ қўйилган.
Туғилган пайтида билмаганмиз. Докторлар
ҳаммаси яхши дейишган эди. Тўғруқхона-
да пайтимиз туғилганининг учинчи кўни
судирги бериб қолган. Кейин текширишлар
натijasида шу ташхис қўйилди.

Фарзандим саккиз ойлигидан бошлаб
шу ташхис билан даволанади. Ўша пайт-
да дўхтирлар фарзандингизга ногиронлик
нафақасини олишингиз мумкин, озгина
бўлса-да, дори-дармонига ёрдам бўлади,
деганида “йўқ” деганман. Биласизми, мен
бу “хуқи”ни қабул қила олмаганман, чунки
онаман. Болам ногирон эмас, бу нафақани
олмаган деганман. Унинг албатта, тузалиб
кетишини, бошқа болалардай югуриб, ўзини
ўзи эплашини кун-ой санаб кутганман,
илтижо қилганман. Кўрсатмаган, қаратмаган
шифокорларимиз қолмаганди. Лекин ҳамма

Хўжа Зудмурод ким бўлган?

Самарқанднинг ҳар қарич ёри тарихдан сўзлайди, ундаги ўнлаб мадрасаю масжидлар ажодларимизнинг ўтмиши, илм-маърифати, жангу жадалларга бой тарихи билан боғлиқ. Ана шундай ноёб иншоотлардан бири Хўжа Зудмурод жоме масжидидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Самарқанд шаҳар "Хўжа Зудмурод" масжиди ҳудудини кенгайтириш ва уни юрти-миздаги энг кўркем масжидлардан бирига айлантиришга эътибор қаратди ва бу борада амалга оширилаётган ишларни белгилаб берди.



"Хўжа Зудмурод" масжиди Самарқанд шаҳридаги энг қадимий иншоотлардан бири бўлиб, манбаларда қайд қилинишича, унинг пайдо бўлиши IX-X асрларга, салжукийлар империяси султони Аҳмад Санжар даврига бориб тақалади. Масжидни қайта тиклаш жараёнида унинг пойдевор қисмидан айнан ўша даврга тегишли ғишлар топилиб, ҳозирги даврда халқ орасида шу ўлчам ва кўринишда бўлган ғишлар "санжари" деб аталади. Айтишларича, 71 ёш умр кўрган султоннинг фарзанди бўлмаган ва у ўз номини тарихда қолдириш учун шу турдаги ғишларни ўйлаб топган ва шаҳар қурилишларида ишлатган экан. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темури Хазрати Жиржис алайҳиссаломнинг жасадларини Яқин Шарқдаги қадимда Мосул деб аталган шаҳардан келтириб, масжид ёнига дафн эттирган экан. Собик иттифок тузуми даврида Х